



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
**к договору (контракту) от 05.01.2022 г. № С/М-2**

между "Beruniy tuman yo'llardan foydalanish" UK и Коракалпогистон Республикаси худудий автомобиль  
йуллари Бош бошкармаси на общую сумму 503115000,00

Глава

118

Казначейский лицевой счёт

304510860354017045163118001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4233100			
Январь	246 348 000,00			246 348 000,00
Февраль	128 384 000,00			128 384 000,00
Март	128 383 000,00			128 383 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Всего за год</b>	<b>503 115 000,00</b>			<b>503 115 000,00</b>

Всего 503115000,00 сум

Пятьсот три миллиона сто пятнадцать тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы \_\_\_\_\_ сум или \_\_\_\_\_ % \*\*\* от общей суммы договора  
подлежат предоплате в \_\_\_\_\_ мес. 20 \_\_\_\_\_ г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца.  
(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



Главный бухгалтер заказчика

Ерназаров Юсуп Курбанбаевич

Ф.И.О.

(подпись)

Принял работник казначейского  
подразделения

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Получил работник  
заказчика

(подпись)

«\_\_\_» 20 \_\_\_ г.

Палекеев Зарипбай Жумабаевич

Ф.И.О.

(подпись)

**С/М-2 сонли  
САҚЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ШАРТНОМАСИ**

Нукус ш.

«5» январь 2022 йил.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Қорақалпоғистон Республикаси автомобиль бош бошқармаси (АЙББ) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ в.в.б. **Ю.Ерназаров** ва иккинчи томондан кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритиладиган Беруни тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (ТИФУК) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Ходжаев** иккинчи томондан

1. 4к24 «A380 автойўли (649 км)-Қаландархана овули» а/й.нинг 0-11 км узунлиги 11 км
2. 4к25«A380 автойўли (636 км)-Кўйкўз пристани-Бешмерган овули» а/й.нинг 0-15 км узунлиги 15 км
3. 4к25 а «Бийбозор овулига» а/й.нинг 0-20 км узунлиги 20 км
4. 4к26 «A380 автойўли (638 км)-Азот ДФХ-Қизилқала овули» а/й.нинг 0-23 км узунлиги 23 км
5. 4к27 «Беруни ш.-Оқшақол бўрдоқчилик базаси» а/й.нинг 0-26 км узунлиги 26 км
6. 4к28 «Беруни ш.-Навоий ДФХ-Махтумкули ДФХ» а/й.нинг 0-17 км узунлиги 17 км
7. 4к326 «A380 автойўли (623 км)-Шаббоз ДФХга» а/й.нинг 0-10 км узунлиги 10 км
8. 4к47 «4Р161 автойўли (25 км)-Беруний овули аэропорти» а/й.нинг 0-4 км узунлиги 4 км
9. 4н10 «Беруний ДФХ-Бийбозор ДФХ-Толлуқ овули» а/й.нинг 0-16 км узунлиги 16 км
10. 4н11 «A380 автойўли (651 км)-Олтинсой ДФХ-Абай ДФХ» а/й.нинг 0-8 км узунлиги 8 км
11. 4н12 «A380 автойўли (623 км)-Шаббоз ДФХ-Навоий ДФХ-Оқшақол кўли» а/й.нинг 0-27 км узунлиги 27 км
12. 4н14 «A380 автойўли (620 км)-Жуманиёзов ДФХ» а/й.нинг 0-11 км узунлиги 11 км
13. 4н15а«A380 автойўли (633 км)-Қиётобод ДФХга» а/й.нинг 0-5 км узунлиги 5 км
14. 4н25 «Беруний ДФХ-Олтинсой ДФХ» а/й.нинг 0-6 км узунлиги 6 км
15. 4н63«A380 автойўли-Абай д/х.» а/й.нинг 0-4 км узунлиги 4 км
16. 4н64 «Ёмонсой даҳаси-Олтинсой ДФХ» а/й.нинг 0-16 км узунлиги 16 км
17. 4н65«Улугбек д/х маркази» а/й.нинг 0-10 км узунлиги 10 км
18. 4н66 «Озот ДФХ-Қизилқала овули-Қорақошли бўрдоқчилик комплекси» а/й.нинг 0-6 км узунлиги 6 км
19. 4н67 «81 км аҳоли пункт-Ёмонсой насос ст-Олтинсой овули» а/й.нинг 0-15 км узунлиги 15 км
20. 4н97 «A380 автойўл (116км)-Олтинсой ДФХ-Таллиқ овули» а/й.нинг 0-16 км узунлиги 16 км
21. 4н98 «A380 автойўли-Қизилқала овули» а/й.нинг 0-13 км узунлиги 13 км
22. 4н99 «4Р161 автойўли-Амударё пристини» а/й.нинг 0-2 км узунлиги 2 км
23. 4н100 «A380 автойўли-Беруний аэропорти» а/й.нинг 0-3 км узунлиги 3 км
24. 4н105а «A380 автойўли (678км)-Тош майдалагич ускуналари» а/й.нинг 0-2 км узунлиги 2 км.

автомобиль йўлларини (кейинчалик – объектлар) саклаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

**Саклаш** – автомобиль йуллари ва йул иншоотлари элементларини соз холатда саклаш, шунингдек автомобиль йулининг бутун узунлигига йил мобайнида бажариладиган автомобиль йуллари ва йул иншоотларининг техник курилмалари иш режимлари буйича комплекс ишлар, йул, йул иншоотлари ва ажратилган минтакага караш, дойимий равишда пайдо буладиган майда шикастланишларнинг олдини олиш ва уоарни бартараф этиш, харакат хавфсизлигини ташкил этиш ва таъмирлаш. Шунингдек автомобиль йулларини кишида саклаш ва қукаламзорлаштириш буйича комплекс ишлар;

### II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» томонидан бажариладиган **саклаш** ишлари лойиха-смета хужжатларига асосан жорий нархларда ҚҚС билан **503 115 000** (Беш юз уч миллион бир юз ўн беш минг ) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар, кўпприклар ва тоннелларнинг) **саклаш** ишлари қийматини кўпайтиришга енгиг бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. БАЖАРУВЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5. Мазкур шартнома буйича Бажарувчи шартномада курсатилган ишларни бажариш учун:

объектлар буйича дефект актларини тузиш, лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш, ижро хужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

Автомобиль йўллари ва йул иншоотларини саклашни тасдиқланган сметаларга мувофик автомобиль йулининг узунлигига бутун йил давомида унинг барча элементлари ва иншоотлари буйича мунтазам равишда амалга оширади.

объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хомашёлар ва қурилиш техникасини ўз вактида ҳамда зарур хажмларда етказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони худудида вақтингчалик иншоотлар қуради;

**саклаш** майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида харакат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

**саклаш** майдони кўриклинишини таъминлайди;

. мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

6. Бажарувчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолатини таъминланиш учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **IV. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

Ишлар бажарилиши устидан доимий назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчиллик хужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш;

Бажарувчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш; мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

#### **V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

8. Бажарувчи январь ойидан бошлаб ишларни бажаришта киришади.

9. сақлаш ишларининг давом этиш вақти 2022 йил 5 январдан бошланиб, 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

Шартнома муддати: Шартнома Фазначилик бошқармасида руйхатдан ўтказилгандан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

#### **VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

10. Буюртмачи томонидан Бажарувчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга оширади

11. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ҳар чорақда режалаштирилган иш қийматининг 40 фоизи миқдорида аванс маблагф ўтказади.

Буюртмачи ва Бажарувчи ҳар ойнинг 25 кунида бажарилган ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат курсаткичлари эттирилади ва жорий молиялаштириш ажратилган аванс маблагининг ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар миқдоридан фоиз хисобида тақсимланган ҳолда ушлаб қолиб, объектнинг ойлик шартномавий қийматининг 60 фоизи миқдорида, амалий бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан ва қабул қилингандан кейин Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

12. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектини тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Бажарувчининг зиммасида бўлади.

13. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равища хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

14. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Бажарувчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

15. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

16. Бажарувчи техник кузатувчини ишлаш учун меҳмонхона ва ҳаракатланиш учун транспорт билан таъминлади.

Техник кузатувчи Бажарувчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равища қатнашади.

17. Бажарувчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро хужжатларини, қилинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириктирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган шаклларда ижро хужжатлари билан) шу ойнинг 25 кунига қадар Буюртмачига топширади.

18. Бажарувчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажаришни мустақил равища ташкил этади.

19. Бажарувчи обьектда ишларни олиб бориш тартибини ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Объектда умумий тартибни таъминлаш Бажарувчининг вазифаси хисобланади.

21. Бажарувчи ўзи томонидан таъмирлашда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

22. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечиқиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Бажарувчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Бажарувчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майдо четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

#### **VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

23. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

24. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

25. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **IX. КАФОЛАТЛАР**

26. Бажарувчи:

барча ишлар түлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха-смета ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аникланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Бажарувчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Бажарувчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидан бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимида назарда тутилган бажарилган ишлар суммасини Бажарувчидан ушлаб колиш ҳуқуқига эга.

27. Бажарувчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисадий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## X. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

28. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Бажарувчи томонидан бир ойдан қўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Бажарувчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

Бажарувчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

29. Бажарувчи:

ишларнинг бажарилиши Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Бажарувчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Бажарувчига тўлайди.

31. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

32. Шартнома бекор қилинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

33. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

34. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплади;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади. Бажарувчи далолатнома асосида кабул килиб олган автомобиль йуллари ва йул иншоатларига «Автомобиль йуллари тұғрисида»ги конунига асосан мулький жавобгардир.

Бажарувчи ушбу шартномага асосан Саклаш майдонида техника хавфсизлиги, автомобиль йулида харакат хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган даражатларни ва ер участкасини муҳофазасини таъминлашга жавобгардир ва Ўзбекистон Республикаси Конунларига асосан белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Саклаш ишларини олиб бораётган Бажарувчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган курилиш-монтаж ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

Бажарувчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, Бажарувчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

нуқсонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;

Агар Бажарувчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ўз кучи билан Бажарувчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганилиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

36. Бажарувчи томонидан объекти ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаши Бажарувчи ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккичи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шинкастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган ишлари хажмидан ёки молиявий хисоб-китобларлардан аникланган камчиликлар натижасида Буюртмачига кайтариладиган маблаглар ва бошка тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб колиши хукукига эга.

38. Муддат ўтказиб юборилганини ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибида итисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

41. Бажарувчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

43. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормаларни кўлланилади.

45. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЙОРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### БУЮРТМАЧИ

Корақалпогистон Республикаси автомобиль йўллари  
худудий бош бошкармаси

Корақалпогистон Республикаси, Хўжайли гузори 16/1 уй  
ИНН 200349889 ОКЭД 84130  
л/с 304510860354017045163118001  
УзР Молия вазирлиги газначилиги  
х/р 23402000300100001010  
МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919

Бошкадар в.б.



Ю.Ерназаров

Бош юристконсульт:

Х.Якупов

### БАЖАРУВЧИ

Беруний тумани йўллардан фойдаланиш  
унитар корхонаси

Беруний тумани, Кирпич завод посёлкаси  
Ўз.Р. ТИИ Миллий банк Турткуль бўлими  
м/р 22626000700422654001, МФО 00846  
ИНН 200 937 838 ОКЭД 42110

А.Ходжаев

